

ISSN 2181-5887



O'ZBEKISTON TERAPIYA AXBOROTNOMASI



ТЕРАПЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

№ 3, 2021

COVID-19 ДАН ТУЗАЛГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК-ҚОН ТОМИР ХАВФНИ БАҲОЛАШ

ЕРМЕКБАЕВА А.У.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Тадқиқод мақсади. COVID-19 дан тузалган беморларда юрак-қон томир хавфини баҳолаш.

Материал ва усуллари. Қорақалпоғистон Республикаси Республика кўптармоқли тиббиёт марказида даволанган 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлардан 100 кишининг касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили.

Тадқиқот натижалари. COVID –19 билан касалланган беморларнинг касаллик тарихини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, беморларнинг ўртача ёши $49,84 \pm 12,54$ ёшни ташкил этади, улардан 62 таси эркаклар эди. Касаллик кечиши оғирлигига кўра тақсимот шуни кўрсатдики, 36 та бемор ўртача оғирликдаги COVID –19 билан, 41 та бемор оғир ва 23 та бемор касалликнинг ўта оғир кечиши кузатилган. Ўпка шикастланиш даражасига кўра, беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: ўпканинг 25% ёки ундан кам шикастланиши (КТ-1) 27 та беморда, 43 та беморда ўпка ҳажмининг 25–50% дан кўпроғи

зарарланиши (КТ-2) кузатилди. 24 та 50–75% (КТ-3) зарарланиш ва 6 та беморда –75% дан ортиқ (КТ-4) зарарланиши аниқланди. O_2 тбилан сатурация даражаси ўртача $93,48 \pm 5,27\%$ ни ташкил этди. Юрак -қон томир касалликлари учраши қуйидагича тавсифланган: 41 та беморда артериал гипертензия, 27 та беморда юрак ишемик касаллиги ва 13 та беморда анамнезда миокард инфаркти. Корреляцион таҳлил шуни кўрсатдики, COVID –19 касаллигининг оғирлик даражаси комормид касалликлар билан боғлиқ ва юрак-қон томир тизими касалликлари сонининг ортиши ўпканинг юқори даражада шикастланиши ва ўпканинг кислород билан тўйинишининг пасайиши билан тавсифланган.

Хулоса. Шундай қилиб, COVID –19 дан тузалган беморларда юрак-қон томир хавфини баҳолаш юрак хасталикларининг юқори частотасини ва касалликнинг кечиши оғирлиги билан боғлиқлигини кўрсатди.

БАЛЛОННАЯ ВАЛЬВУЛОПЛАСТИКА СТЕНОЗА ЛЕГОЧНОЙ АРТЕРИИ

ЗУФАРОВ М.М., ИСКАНДАРОВА Ф.А., БАБАДЖАНОВ С.А., ИМ В.М., ЮСУПОВ Ж.У.

ГУ «Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени акад. В. Вахидова», Ташкент, Узбекистан

Цель исследования. Анализ результатов баллонной вальвулопластики (БВ) у больных с критическими стенозами легочной артерии (СЛА).

Материал и методы. БВ была выполнена у 82 больных с критическими стенозами легочной артерии пациентам в возрасте от 23 дней до 25 лет ($9,2 \pm 4,1$). Показаниями к БВ являлись тяжелое клиническое состояние больных, обусловленное выраженной артериальной гипоксемией, необходимостью стабилизации состояния, ангиографическими признаками критического клапанного СЛА и градиентом систолического давления (ГСД) на клапане $121 \pm 8,7$ мм рт.ст.

Результаты исследования. После выполнения баллонной критического СЛА у всех больных отмечалось улучшение общего состояния, уменьшение цианоза. После БВ давление в ЛА снизилось с $14,5 \pm 2,3$ до $23,2 \pm 1,9$ мм рт.ст. ГСД снизилось с $121 \pm 8,7$ мм рт.ст. до $27 \pm 3,8$ мм рт.ст. При правой вентрикулографии определялось полное раскрытие створок клапана ЛА, а также увеличение поступления контрастированной крови из правого желудочка в ЛА и уменьшение сброса в аорту. Осложнений и летальных случаев не было.

Выводы. БВ является эффективным малоинвазивным методом лечения пациентов с клапанным стенозом легочной артерии.

ЎСОК БОР БЕМОРЛАРДА КАРДИОВАСКУЛЯР ХАВФ

ТОШОВ С.С.¹, ЕРМЕКБАЕВА А.У.²

¹ «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ Бухоро филиали, Бухоро, ²Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Тадқиқод мақсади. Ўпка сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) бўлган беморларда юрак-қон томир комормидлиги учун хавф омилларини баҳолаш.

Материал ва усуллар. 40–60 ёшдаги ЎСОК билан касалланган 91 та бемор текширилди. Биз сўровномалар, объектив текширув ва биокимёвий тадқиқот усулларини қўлладик.

Тадқиқод натижалари. ЎСОК билан касалланган беморларда юрак-қон томир хавф омилларининг таҳлили шуни кўрсатдики, насл омили 34,1%, чекиш – 67%, қорин семизлиги – 37,4%, артериал гипертензия – 64,8%, гиперхолестеринемия – 27,5%, гиподинамия – 45,1% беморларда аниқланган. Бир беморда хавф омилла-

рининг пайдо бўлиш частотасини ўрганиш шуни кўрсатдики, хавф омиллари беморларнинг 87,9 фоизида аниқланган, фақат бир хавф омил учраган беморлар 21,9%, 2 та хавф омиллари 30,7%, 3 ёки ундан кўп хавф омиллари 35,2% беморларда кузатилган. Беморларнинг 12,1 фоизида хавф омиллари аниқланмаган. Ёшга қараб хавф омиллари параметрларининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг 50–60 ёшда хавф омиллари тез-тез кузатилган. Бу ёшдаги беморларда артериал гипертензия 30–40 ёшли беморларга қараганда 2,5 баробар кўпроқ аниқланган.

Хулоса. ЎСОК билан касалланган беморларда юрак-қон томир хавф омиллари орасида артериал гипертензия ва чекиш устунлик қилди.